



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 30 декабрь, № 280 (8342)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



УСТОЗЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАГАН ЖАМИЯТДА МУҲИТ СОҒЛОМ, ТАРАҚҚИЁТ БАҲҚАРОР БЎЛАДИ



Президент Шавкат Мирзиёев 29 декабрь куни Халқаро конгресс марказида «Таълим сифатини ошириш — Янги Ўзбекистон тараққиётининг яққа ягона тўғри йўлидир!» мавзусидаги замонавий дарсликлар кўргазмаси билан танишди.

Тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам илм-фан, таълим ва тарбиядир, деган эди Шавкат Мирзиёев. Шунинг учун бу соҳанинг барча босқичи тубдан ислох қилиниб, комплекс ривожлантирилмоқда. Мамлакатимизнинг Тараққиёт стратегиясида тўртинчи устувор йўналиш айнан таълим соҳасини, инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган. Бунга мутаносиб равишда 2023 йилга "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили", деб ном берилди.

Таълим сифатини ошириш, болаларни ўқишга қизиқтиришнинг муҳим омили, биринчи навбатда, яхши дарслик. Давлатимиз раҳбари-

нинг 2019 йил 29 апрелдаги Фармони билан тасдиқланган Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида ўқитиш методикасини такомиллаштириш вазифалари белгиланган эди. Шунга мувофиқ ўтган уч йил давомида дарсликларни янгилаш бўйича иш олиб борилди. Махсус ишчи гуруҳ томонидан илғор хорижий методика асосида 1 — 4-синф китоблари янгидан тайёрланди.

Кўргазмада давлатимиз раҳбарига ушбу дарсликлар мазмуни ҳақида маълумот берилди. Улар XXI аср кишиси учун энг зарур бўлган "4К" кўникмаси бўйича ишлаб чиқилган (критик фикрлаш, креативлик, коллаборация, комму-

никация). Яъни бу ўқувчиларда танқидий фикрлаш, ижодий ёндашув, жамоада ишлаш ва мулоқот кўникмаларини шакллантиради. Янги дарсликларни тайёрлашда PISA, PIRLS, TIMSS, EGMA, EGRA каби халқаро дастурлардаги намунавий вазифалар асос қилиб олинган. Дарслик билан бирга машғулот дафтарлари, ўқитувчилар учун методик қўланмалар ҳам чоп этилган. Шунингдек, бу тизимга "Estudy" электрон таълим платформаси интеграция қилинган. Ундан дарс пайтида ҳам, бўш вақтда ҳам фойдаланиш мумкин.

Эътиборлиси, тақдим этилган дарсликларнинг бир қисми, хусусан, тасвирий санъат, ўзбек тили

ва мусиқий саводхонлик бўйича китоблар кенгайтирилган реаллик технологияларидан фойдаланилган ҳолда ишлаб чиқилган. Бу ўқувчиларни фанга янада кўпроқ қизиқтириш ҳамда бугунги ўсмирлар ҳаётида муҳим бўлган гаджетларни фойдали воситага айлантириш мақсадида ишлаб чиқилган. Кенгайтирилган реаллик иловаси 1 марта юклаб олинди ва офлайн режимда ишлайди.

Президент янги дарсликлар билан танишиб, уларнинг мазмуни юзасидан тавсиялар берди.

— Дунё педагоглари тажрибасидан фойдаланган яхши. Шун билан бирга, дарсликларда миллий ғоя, аждодларимиз мероси ҳам бўли-

ши керак. Масалан, жадид боболаримиз таълим бўйича қанча ишлар қилган. Яқинда Элбек домлани ўқидим. "Қиз болани ўқитган давлат бутун жамиятни ўқитган бўлади", деб ёзган экан. Бизнинг дарсликларимизда бундай гаплар йўқ. Нима демоқчиман? Янги дарсликларни шундай мукамал тайёрлаш керакки, кейинчалик бунга яна қайтмайлик. Бугунги таълим қирқ йилдан кейин биз ҳақимизда сўзлайди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Дарсликларни амалда татбиқ қилиш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

Мазкур янги дарсликлар халқаро экспертизадан ўтказилиб, пойтахтимиздаги 134-мактабда синаб кўрилди. Бирламчи натижаларга кўра, улар асосида ўқитилган ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси 88 фоизни ташкил этди. Амалдаги дастур бўйича эса бу 67 фоиз ҳолос. Кўргазмада мазкур дарслик синовдан ўтказилган бошланғич синф дарси намойиш этилди. Бу мактабда инклюзив таълим тизими асосида алоҳида эҳтиёжи бор ўқувчилар ҳам барча болалар билан бирга сабоқ олмақда.

Давлатимиз раҳбари ўқитувчи ва болалар билан суҳбатлашди. Президентимиз таълим кўргазмаси доирасида бир гуруҳ мактаб ўқитувчилари билан учрашди.

Шавкат Мирзиёев президентлик фаолиятининг илк кунларидаёқ юртимиздаги муаммолардан бири сифатида кадрлар масаласини кўрсатган эди. Сўнгги йилларда қайси соҳада ислохотлар, улкан лойиҳалар бўлмасин, албатта, унга мос мутахассислар тайёрлаш ҳам кун тартибига чиқади.

— Ҳамма сазй-ҳаракатларимиз тағдида таълим бор. Қайси ҳудудга борсам, ёшлар билан, катта-катта корхоналардаги ишчилар билан суҳбатлашаман. Улардан "Сизни нима қўнайди?" деб сўрасам, билим этишмаслигини айтади. Ривожланган давлатлар бугунги иқтисодиётга қандай эришган? Билим эвазига! Шунинг учун аввалбошдан таълимни яхшилашга ҳаракат қилаямиз. 2023 йилга "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили", деб ном бердик. Энди мактабларимизга мутлақо янги муҳит ва сифат кириб келиши керак, — деди Президент.

Маълумки, мамлакатимизда ижтимоий давлат қурилмоқда. Кейинги йилларда юзлаб янги мактаблар қурилади, 500 минг ўқувчи учун қўшимча ўринлар яратилди, 7 мингдан ортиқ замонавий компьютер хоналари ташкил этилди. Шароит билан бирга, таълим-

нинг мазмунини, методологияни ўзгартириш чоралари кўрилмоқда. Биринчи босқичда бошланғич синф дарсликларини янгиланмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу ишлар мактаб таълими бўйича умумий стратегиянинг бир қисми экани, сифат ва самарадорлик кўп жиҳатдан ўқитувчига боғлиқлигини таъкидлади.

— Мен нима учун ўқитувчининг жамиятдаги обрўси ва мавқеини ошириш керак деб кўп гапираман, — деди Шавкат Мирзиёев. — Чунки болаларимиз қалбиниңгина чинакам меъмори, муҳандиси ўқитувчилардир. Шунинг учун педагоглارни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш доимо эътиборимиз марказида бўлади. Уларни дарсдан бошқа ишларга жалб этиш — бу давлатга, келажакка хиёнат, деб баҳоланиши керак. Ўқитувчига ҳурматсизлик — бу халқимизга, жамиятимизга ҳурматсизликдир.

Президент Конституция ва қонунларда ўқитувчининг мақоми, ҳуқуқ ва манфаатларини аниқ белгилаш зарурлигини яна бир бор таъкидлади.

— Шундай жамият қуришимиз керакки, ўқитувчилик энг обрўли касб бўлиши лозим! Бу йўлда биз, аввало, ўз ҳаётини ёш авлод тарбиясига бағишлаган минг-минглаб устоз ва мураббийларга таянамиз! Устозларни эъзозлаган жамият ҳеч қачон кам бўлмайди, ўз мақсадларига, албатта, етади. Бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутманглар: халқимиз ўз келажagini сизларга ишониб топширган. Келажакимиз қандай бўлиши, аввало, сизларга боғлиқ. Бу йўлда Президент сизларни доимо қўллаб-қувватлайди, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Ёшлар таълим-тарбиясида ота-оналар масъулиятини ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Мулоқотда ўқитувчилар педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, мактабларга хорижий тил эгаларини жалб қилиш, ёшларни касбга йўналтириш бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Сўзининг якунида давлатимиз раҳбари ўқитувчиларини кириб келаятган янги — 2023 йил билан таъриқлаб, шарафли ва масъулиятли фаолиятида куч-ғайрат тилади.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА МУҲБИРИ.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКМАНИСТОН МИЛЛИЙ КЕНГАШИ ХАЛҚ МАСЛАҲАТИ РАИСИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

29 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Туркменистон Президентини Сердар Бердимухамедовга самимий салом ва энг эзгу тилаklarини йўлади.

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги дўстлик, ишонч, яхши қўшиқчилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Жорий йилнинг 14-15 июль кун-

лари Туркменистон Президентининг Ўзбекистонга давлат таширифи ҳамда 20-21 октябрь кунлари Ўзбекистон Президентининг Туркменистонга расмий таширифида, шунингдек, кўп томонлама ташкилотлар доирасидаги учрашувларда эришилган олий даражадаги келишувларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Барча устувор йўналишлардаги

ҳамкорлик анча фаоллашгани катта мамнуният билан қайд этилди. Савдо ҳажми ошмоқда, sanoat, энергетикада кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда, самарали худудлараро алоқалар ривожланмоқда, маданий-гуманитар алмашинув дастурлари рўёбга чиқарилмоқда.

Парламентлараро мулоқот, шу жумладан, Марказий Осиё минтақа-

сида янги даражага кўтарилгани таъкидланди.

Суҳбат якунида Ўзбекистон Президенти ва Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси яқинлашиб келаятган Янги йил билан бир-бирини самимий қутлаб, қардош халқларимизга фаровонлик, тинчлик-осойишталик ва раванқ тилаklarини билдирдилар.

ЎЗА.

ЭНГ ЯХШИ ИЖТИМОЙ ТАШАББУС ЭГАЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Олий Мажлис Сенатида "Энг яхши ижтимоий ташаббус" кўрик-танлови республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тақдирда дастлаб Сенат Раиси Танзила Нурбоеванинг кўрик-танловнинг республика босқичи ғолибларига табриги ўқиб эшиттирилди.

Танлов

Таъкидлангандек, мазкур танлов ўтказилишидан асосий мақсад давлат идоралари, нодавлат сектор ҳамда фуқароларимиз томонидан ижтимоий ташаббусларни дадил илгари суриш ҳамда амалга оширилишини янада фаоллаштириш ва рағбатлантиришдан иборатдир.

Кўрик-танловнинг туман (шаҳар) босқичида жами 2 минг 950, вилоят босқичида эса 732 нафар иштирокчи "Энг яхши ижтимоий ташаббускор" давлат таълим органи, "Энг яхши ижтимоий ташаббускор" нодавлат нотижорат ташкили, "Энг яхши ижтимоий ташаббускор" тадбиркорлик субъекти, "Энг яхши ижтимоий ташаббускор фуқаро", "Энг яхши ижтимоий ташаббускор ҳокимлик" номинациялари бўйича ўзаро баҳс олиб борди.

Финал босқичида юртимизнинг 14 та худудидан юқори натижаларга эришган, жамият ривожини йўлда ташаббус кўрсатган, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлашда ғолибликни қўлга киритган ҳокимликлар, давлат бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари,

тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахслар иштирок этди. Сенат аъзолари, вазирлик ва идоралар вакилларидан ташкил топган Республика комиссияси 5 та номинация бўйича 1, 2, 3-ўрин ғолибларини аниқлаб берди.

Унга кўра "Энг яхши ижтимоий ташаббускор" тадбиркорлик субъекти" номинациясида 1-ўрин Фаргона вилоятининг Фуқрат туманидаги "Уста Юсуфжон наққош" оилавий корхонасига, 2-ўрин Жиззах вилоятининг Форш туманидаги "Турон" хусусий корхонасига, 3-ўрин Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳридаги "Nukus evrostroy" МЧЖга ва Навоий вилоятидаги "Inno sanjar" МЧЖга насиб этди.

"Энг яхши ижтимоий ташаббускор" нодавлат нотижорат ташкили" номинацияси бўйича 1-ўрини Тошкент вилоятидан иштирок этган Ўзбекистон интеллектуал тренерлар федерацияси, 2-ўрини Жиззах вилоятининг Пахтакор туманидаги Ногиронлар жамияти бўлинимаси, 3-ўрини "Соғлом авлод учун" ҳуқуқатга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фондининг Сирдарё вилояти филиали қўлга киритди.

ТАЪЛИМДАГИ ЯНГИЛАНИШ ВА СИФАТ

ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМИ, ПЕДАГОГЛАР МАСЪУЛИЯТИ ВА КАЙФИЯТИДА НАМОЁН БЎЛМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев Халқаро конгресс марказида "Таълим сифатини ошириш — Янги Ўзбекистон тараққиётининг яққа ягона тўғри йўлидир!" мавзусидаги замонавий дарсликлар кўргазмаси билан танишди. Бир гуруҳ соҳа фидойилари,

мактаб ўқитувчилари билан мулоқот қилди. Тизимнинг келгуси тараққиётига дахлдор мақсад ва вазифалар белгилаб олинди. Ушбу учрашувда қатнашган таълим тизими вакиллари таассуротларини, фикр-мулоҳазаларини ёзиб олди.

Акс садо

**Дилноза АБДУЛЛАЕВА,
Пойтахтнинг Олмазор туманидаги 134-мактаб директори:**
— Бир вақтлар мактаб таълимидаги баъзи тартибларни ўзгар-

тириб бўлмайди, деган назарда мавжуд муаммолар ҳақида гапириш ҳаёлимизга ҳам келмаган. Жумладан, дарсликлар борасида ҳам. Тан олиб айтиш керак: дарсликлар бизнинг энг оғриқли дардимиз бўлган. Уларнинг кўпчилиги фақат назарияга асосланарди. Ўқувчини фикрлашга, танқи-

дий мулоҳаза юритишга, билимларни амалиётда синовдан ўтказишга ундамасди. Президентимиз ташаббуси билан ушбу масалалар очик-ойдин айтилиб, уларни бартараф этиш чоралари кўриляпти. Замон талаблари ва стандартлари асосида мутлақо янги дарсликлар

яратилмоқда. Хусусан, 1 — 4-синфлар китоблари янгидан тайёрланди. Қувонарлиси, мазкур дарсликлар бизнинг мактабимизда тажриба-синовдан ўтказилди. Бу педагогик жамоамизга катта гуруҳ, айни пайтда улкан масъулият юкледи.

Янги дарсликларнинг аввалгиларидан фарқи шундаки, улар ўқувчиларни эркин фикрлашга, мустақил қарор қабул қилишга, ижодий ёндашувга, жамоа бўлиб ишлашга ўргатади. Ўқув жараёнида замонавий технологиялардан фойдаланилади. Билимлар

болаларга қизиқарли интерфаол форматда, ранг-баранг матнлар, сифатли ва ёрқин иллюстрациялар, видеоматериаллар кўринишида берилди.

Дарсликларга махсус мобил илова ишлаб чиқилган бўлиб, у ўқувчиларни билим олишга ва ўз устида ишлашга ундайдиган қўшимча воситадир. Ўғил-қизлар олган билимларини мустақил равишда мустаҳкамлашлари учун "Estudy" онлайн-таълим платформаси ишлаб чиқилди. Ушбу платформага ўйин тарзидаги 300 дан ортиқ вазифалар киритилган.



ОЧИҚЛИК, ҚОНУНИЙЛИК, НАТИЖАДОРЛИК

БОШҚАРУВДАГИ ЭНГ АСОСИЙ МЕЗОНЛАР ҲИСОБЛАНАДИ

Сўнги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасида дунё ҳамжамияти мамлакатимизни "Янги Ўзбекистон" деган ном билан танимоқда. Албатта, бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Жаҳондаги мураккаб геосийосий вазиятда бундай натижани қўлга киритишнинг ўзи таҳсинга сазовор.

Муносабат

Шавкат Мирзиёевнинг Президент сифатидаги фаолиятининг дастлабки кунларидаёқ жамият ҳаётининг барча соҳаси бўйича бошланган ислохотлар янги Ўзбекистонни барпо этишда мустақам пойдевор бўлди, десак, муболага бўлмайди.

Давлат раҳбарининг шижоати, шунингдек, халқимизнинг ислохотларга бўлган умид ва ишончи натижасида мана бундан бири қанча ютуқларга эришдик ва бундан гоёки ҳамжамияти ҳам эътироф этмоқда. Амалга оширилган ишлар ва

халқни рози қилишдан иборат эканини аниқлаш қийин эмас.

Энди мамлакатимиз бошқаруви-нинг замонавий шаклига ўтмоқда. Яъни "қўл бошқаруви" ўрнига аниқ натижага ишлайдиган тизимли бошқарув жорий этилди.

Бу бўйича дастлабки дадил қадам қўйилди. Жорий йилнинг 21 декабрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Янги Ўзбекистон мамыурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Фармон билан натижадорликка йўналтирилган ишлар ва профессионал давлат бошқаруви тизимини яратиб ҳамда республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини янгилаш талаблар ва тамойиллар асосида ташкил этиш бўйича қатор тартиблар белгиланди.

Эндиликда вазирликлар фаолияти ислохот қилиниб, уларнинг сони қайта кўриб чиқилади ва қаматирилади. Давлат хизматчилари сони босқичма-босқич қисқартирилиб, ҳар бир вазирнинг масъулияти ва жавобгарлиги янада кучайтирилади. Натижада вазирликлар фаолиятида очиллик, қонунийлик, натижадорлик ва сифат асосий меzon бўлиб, коррупциявий хавф-хатарларнинг олди олиншига замин яратилади.

Мазкур ислохотларнинг эътиборли томони шундаки, тежаб қолиндиган маблағлар ижтимоий масалаларни ҳал этишга йўналтирилади. Мурожаатномада келтирилган долзарб масалалар бизни янада чуқур ўйланишга ва келгусидаги вазифаларимизни қайта кўриб чиқишга туртки берибди.

Биз ҳам фаолиятимизни Мурожаатнома асосида йўлга қўйишга ҳаракат қилаемиз. Унда айтилган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ

масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси томонидан тегишли йўналишлар бўйича 2023 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси белгилаб олинди. Унда вазирларнинг сиёсий масъулиятини кучайтиришга, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини тайёрлаш бўйича фаолияти, белгиланган режаларнинг бажарилиши юзасидан жамоатчилик ва парламент олдида ҳисобот бериши сингари масалалар алоҳида ургунланмоқда.

Бундан мақсад Мурожаатномада қайд этилган вазифаларни ўз вақтида ва тўлақонли бажариш ҳамда бу орқали аҳоли фаровонлиги ва Батан равангига ўз ҳиссамизни қўшишдан иборатдир.

Наримон УМАРОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси.

БИЛИМЛИ ЁШЛАР — МИЛЛАТ БОЙЛИГИ

Таълим сифатини ошириш — янги Ўзбекистон тараққиётининг яқкаю ягона тўғри йўлидир. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида келтирилган ушбу сўзлар соҳа вакилларига катта масъулият юклайди.

Мушоҳада

Бу бежиз эмас. Зеро, сўнги йилларда таълимнинг вазифаси кўпгина давлатларнинг глобаллашгаётган дунё янги координатига ўтиши муносабати билан тобора мураккаблашмоқда. Бу эса мутлақо янги ривожланиш назарисини ва амалиётининг вужудга келишига, шунингдек, соноатдаги янги технологик ёндашув, маданиятларро мулоқотлар ва ахборот алмашишга мутаносиб қадам ташлашга интилишга сабаб бўлмоқда.

Шунга яраша бугун мамлакатлар рақобатдошлиги асосий кўрсаткичи жамиятнинг интеллектуал салоҳияти бўлиб қолди. У айнан таълим тизими томонидан яратилади. Шу боис барча мамлакатлар қатори юртимиз таълим тизими ҳам глобал чакриқлар таъсирида ўзгаришга юз тутмоқда. Хусусан, давлат раҳбари таълимнинг ҳар бир орти йилда қўшимча 500 минг ўқувчи ўрни яратилиб, жами сони 5 миллион 300 мингга етказилди. Ҳозирги вақтда яна 1 миллион 200 минг ўқувчи бўйича ишлар давом эттириляпти.

Бу борадаги ислохотлар самарасини Жиззах вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, вилоятимизда эскирган биноларда жойлашган 29 та умумтаълим мактаби филиаллари бунунлай замонавий лойиҳа асосида қайта қурилиб фойдаланишга топширилди.

Жойларда меҳнат қилаётган устуворлар учун меҳнат шариоитини яхшилаш билан бир қаторда уларнинг малакасини доимий оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, олис хуудлардаги ўқувчиларга Жиззах таълим боси сифатида "Таълимда мобиль методик хизмат қарвони" ташкил этилган бўлиб, ҳозиргача таълим сифати паст мактаблар сони 81 тадан 31 тага қамайишига эришилди. Вилоят умумтаълим мактабларидаги олий тоифали ўқувчилар сони 922 тадан 1 миң 934 нафарга етказилди.

Яқунига етган йилда Жиззах шаҳрининг ўзида учта янги умумтаълим мактаби ишга тушди. Вилоятда Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидagi 10 та иختисослаштирилган мактаб ҳамда 2 та мактаб-интернат фаолият бошлади.

Битирувчиларнинг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичи, маълум маънода, умумтаълим мактабларидаги таълим сифатининг ошишини билдиради. Шу жиҳатдан 2022 йилда вилоятимиздаги 16 миң 534 нафар битирувчидан 6 миң 387 нафари олий ўқув юртиларига қабул қилинган катта ютуқларимиздандир. Бу кўрсаткич сўнги уч йилда 4 баробарга ёки 8,2 фоиздан 38,6 фоизга ошди. Бунда ўқитишнинг интернат шакли ҳам сезиларли самара бермоқда.

Шуниси эътиборлики, вилоятда умумий ҳисобда 6 та мактаб-интернат мавжуд. Улардан 2 таси иқтидорли, 4 таси имконияти чекланган болалар учун мўлжалланган. Таълимни мактаб-интернат шаклида олиб бориш қатор афзалликларга эга. Хусусан, уларда оддий мактабларга нисбатан синфлар ўқувчилари камроқ бўлади. Шу боис ҳар бир ўқувчи ўқитувчиларнинг эътибор марказида туради. Қолаверса, олис хуудларда яшайдиган болалар қатнаб ўқигандан кўра интернатда яшаб, ўқиш қулай. Улар ўқитувчилари ва синфдошлари даврасида улғаяди. Ҳар бирига уй вазифаларини бажаришда ёрдам кўрсатилади, ваҳоланки, оддий мактабларда ўқувчилар уй вазифасини ҳеч қимнинг ёрдамисиз бажаради. Қолаверса, мактаб-интернат болани интизомга ўргатади. Бу эса ҳам ўқитувчилар, ҳам ўқувчиларга таълимда юқори натижага эришишда фикрини жамлаш имконини беради.

Бунини ўзим фаолият олиб бораётган Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидagi Жиззах шаҳар 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернати мисолида ҳам кўриш мумкин. Шу йил сентябрь ойигача булган даврда ушбу таълим муассасаси халқ таълими тизимидagi "Умид" номили чет тилларни ўқитишга иختисослаштирилган мактаб-интернат эди. Жорий ўқув йилидан мактаб-интернатимиз қайта ташкил этилиб, агентлик тизимига ўтказилди. Утган ўқув йилида битирувчиларимизнинг 90 фоизи ОТМга кирди ва уларнинг 100 фоиз бандлиги таъминланди. 70 нафар битирувчи халқаро тил билиш сертификатларини қўлга киритди. 45 нафари муддатидан олдин ОТМга кирди.

Бундай ютуқларда давлатимиз томонидан кўрсатилган ҳар томонлама кўмак алоҳида ўрин тутди. Жумладан, мактаб-интернат таъмирини учун вилоят бюджетидан 10 млрд сўм маблағ ажратилди. Замонавий техник ва лаборатория жиҳозлари, сўнгги русумдаги моноблок компьютерлар олиб келинди.

Ислохотлар давом этади, албатта. Президент Мурожаатномасида таъкидланганидек, келгуси йили республикада 70 та янги мактаб қурилади, 460 та мактаб кенгайтирилади. Хусусий инвестициялар иштирокида 100 та мактаб қуриш лойиҳаси бошланади, келгуси беш йилда эса улар сони миңга етказилади.

Олдимизда залварли вазифалар турибди. Агар фаолиятимизни Мурожаатнома асосида ташкил қиладиган бўлсак, албатта, бу маррани ҳам забт этамиз. Зеро, билимли ёшлар миллатимизнинг энг катта бойлигидир.

Санобар СУЯРОВА,
Жиззах шаҳар 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернат директори,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ДАВР ҲАР БИР СОҲАНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлиси ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида белгиланган устувор йўналишлар бугун ҳар томонлама чуқур ўрганилиб, ундан келиб чиқадиган вазифалар белгилаб олинмоқда. Хусусан, халқ вакиллари ҳам бу борадаги фикр-мулоҳазаларини билдириш билан бирга, аниқ иш режаларини тузишдаги эътиборга молик.

Иномжон ҚУДРАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Сир эмаски адвокатура соҳасини ислохот қилмай туриб, одил судловни амалга оширишга эришиб бўлмайди. Шу сабабли Мурожаатномада одил судловни таъминлашда ҳимоячи берилган ҳуқуқлар ҳам қайта кўриб чиқилиши, адвокатга ўз фаолиятини бажаришда етарли ваколатлар берилиши алоҳида ургунланди.

Сўнги йилларда адвокатларнинг роли ҳамда аҳамиятини кучайтириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Жорий йилда адвокатлик тузилмалари томонидан суриштирув, терговга қадар текширув, тергов ва барча йўналиш ҳамда инстанциялардаги судларда 434 миң 823 та, бундан 109 миң 229 та бепул, 103 миңдан зиёд давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилди.

Албатта, эришилган ютуқлар ўзимизники, аммо бугуннинг талаби шундайки, замон билан ҳамнафас бўлиш, адвокатга соҳасини янада такомиллаштириш тақозо этаверади. Шу нуқтани назардан, Мурожаатномада белгиланган одил судловни таъминлаш борасида ҳали қилинадиган ишларимиз кўп. Биз, депутатлар мана шу ислохотларда, адвокатларнинг профессионал

фаолиятини амалга ошириш учун қонунчилик базасини янада мустаҳкамлаш устида иш олиб борамиз. Давлатимиз раҳбарининг соҳага тааллуқли қарори ижросини таъминлаш бўйича парламент назоратини янада кучайтираемиз.

Яна бир янгилик шуки, Конституциявий қонун лойиҳасида ҳам адвокат ўз касбий вазифаларини бажараётганда унинг фаолиятига аралашшига йўл қўйилмаслиги, унга ўз ҳимоясидаги шахс билан тўсиқларсиз ва холи учралиши, маслаҳатлар бериш учун шарт-шароитлар таъминланиши, касбий фаолияти давлат ҳимоясида бўлиши, ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати қонун билан муҳофаза қилиниши ҳақидаги 1161-модда билан тўдириш назарда тутилмоқда.

Умуман, адвокат фаолиятига аралашшига йўл қўйилмаслигининг Конституцияда катъий белгиланиши инсон қадрини янада ошириш, уни таъминлашга ёрдам беради.

Шаҳноза ХОЛМАХАММОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Мурожаатномани диққат-эътибор билан эшитиб, ўзимга зарур ҳулосаларни ҳам чиқардим, десам, хато бўлмайди.

Масалан, биргина таълимни ривожлантиришга

оид йўналишга эътибор қаратсак. Ушбу дастуриламал Мурожаатномада таълим тизимидagi ютуқлар билан бирга, органик масалаларга ҳам тўхталиб ўтилди. Хусусан, мактаб битирувчиларининг 50 фоизи меҳнат бозорига ҳеч қандай касбга эга бўлмасдан кириб келаётгани қайд этилди. Албатта, бу ҳолат ҳаммамизни ташвишлантириши керак. Эътиборлиси, давлатимиз раҳбари ушбу долзарб масаланинг ечимини ҳам кўрсатиб берди.

Унга кўра 700 дан ортқ касб-ҳунар мактаби, коллеж ва техникумлар имкониятидан самарали фойдаланиш мақсадида 2023 йилдан бошлаб янги дастур амалга оширилади. Ҳар бир вилоятда биттадан техникумда Европа касбий таълим стандартлари жорий этилади. Кимё соноати, электротехника, транспорт ва энергетика соҳаларида нуфузли халқаро ташкилотлар билан бирга алоҳида муҳандислик мактаблари ташкил қилинади. Давлат раҳбари айтиб ўтганидек, бу тизим бизда ҳозиргача бўлмаган. Қисқисини айтганда, янги замон инженерлари тайёрлаш тизими яратилади.

Муаммо мавжуд, вазифалар ҳам, масаланинг ечимини ҳам аниқ. Эндиликда барча, хусусан, биз, халқ вакиллари ҳам муаммонинг ечимига олиб борадиган ишларни тизимли ва ўз вақтида амалга оширишимиз керак, деб ҳисоблайман.

Барно МИРЗАМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Мурожаатномада сув ҳўжалиги соҳасига алоҳида эътибор қаратилди. Бу бир томондан

сув ҳўжалиги соҳаси давлат учун, халқ учун қанчалик муҳимлигини аниқлаш, иккинчи томондан, сувчиларни юксак эътиборни ҳис этган ҳолда ўз вазифаларини тўлиқ ва сифатли бажаришга, билдирилган ишончини оқлашга ундайди.

Тахлилларга кўра республикамизда ички ҳўжалик сўғориш тармоқларининг 77 фоизи ёки 119,5 миң километри тупроқ ўзанили бўлиб, 44 фоизини ёки 68,3 миң километри таъмирлаш ва тиклаш, 10 фоизини ёки 15,5 миң километри эса реконструкция қилиш талаб этилади.

Албатта, мавжуд 19,1 миң километр лоток тармоқларини ўз вақтида таъмирлаш ишлари амалга оширилмагани, шунингдек, хизмат муддатларини ўтиб бўлганлиги натижасида уларнинг 70 фоизи реконструкция қилиш ва алмаштиришга муҳтож. Сув истеъмолчиларининг сув олиш жойлари эса ақсарият ҳолларда сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозланмаган. Бунинг натижасида ирригация тизими ва сўғориш тармоқларининг фойдали иш коэффициенти паст бўлиб, асосий манбалардан олиннадиган сувнинг 35 — 40 фоизи сўғориш тармоқларида йўқотилмоқда. Шу сабабли сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан тушадиган маблағлар ҳисобидан бетонлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Тараққиётга хизмат қилувчи ушбу ҳўжатда муаммоларни бартараф этиш механизми ҳам аниқ кўрсатиб берилдики, бу соҳа ривожига гоят муҳим. Бу борадаги ишларда биз, депутатлар ҳам янада фаол бўлишимиз керак.

«Халқ сўзи».

«ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ» ТАДБИРЛАРИ БОШЛАНДИ

Пойтахтимизда Янги йил байрами муносабати билан "Президент арчаси" тадбирининг дастлабки сеанс дастурлари бошланди.

Унда қатнашган Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ота-она қаровисиз қолган, ота-оналари Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш йўлида жонини фидо этган ҳарбий хизматчиларнинг ўғил-қизлари, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари бир олам завқ олишди.



«Халқ сўзи».



Юнус БУРИЕВ олган суратлар.

Шуқуҳ

"Томоша" болалар театр-студияси томонидан саҳналаштирилган "Янгибекнинг орзуси" номили театр томошаси эртамиз эгаларига ҳамшира эзгуликка интилиб, орзу-мақсадлар йўлида унун курашиб яшаш саодат йўли эканлигини яна бир бор сабоқ берди.

Ўғил-қизларга "Президент совғаси"нинг топширилиши байрам шуқуҳини янада оширди. Айтиш жоизки, 2022 йилги "Президент арчаси" тадбирларида қатнашиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тақдим этган рўйхатлар асосида 3 — 15 ёшдаги 9 миң 873 нафар

ўғил-қизнинг рўйхати шакллантирилган. Ушбу болаларга 10,2 млрд сўмлик ҳомийлик маблағлари ҳисобидан "Президент совғаси" тайёрланди ҳамда жойларга етказилди. Ушбу қадрдон совға тарқибига Ўзбекистон Республикаси Президентининг болаларга йўллаган Янги йил байрами табриги, ширинликлар, ўқув қуроллари, китоблар тўлаими, шахмат ва бошқа манзур бўларлик буюмлар киритилган.

Шу кунларда вилоят ҳокимликлари, сектор раҳбарлари ва халқ таълими бошқармалари томонидан республиканинг барча ҳудудда "Президент арчаси" тадбирлари ўтказилмоқда ҳамда болаларга "Президент совғаси" тарқатилляпти.



«Халқ сўзи».

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШИ УЧУН ЯРАТИЛГАН ШАРОИТЛАР ТАЛАБ ДАРАЖАСИДАМИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аҳоли салооматлигини мустаҳкамлаш борасидаги ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича парламент комиссияси ва Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти халқ таълими тизимидagi умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг соғлом овқатланиши учун яратилган шароит, шунингдек, бошланғич синф (1 — 4-синфлар) ўқувчиларининг бепул овқат билан таъминланиш ҳолатини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш қўмитасига бағишланган тадбир ўтказилди.

Ўрганиш

Таъкидланганидек, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида таъриб-синов тарқасида бошланғич синф ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлаш тизими жорий этилди.

Ушбу мақсадлар ижроси бўйича "2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти маҳаллий бюджетларига 100 млрд. сўмдан жами 200 млрд. сўм маблағлар ажратилди. Давлат дастурида бу амалиётни 2022 йил 1 апрелдан жорий этиш белгиланган бўлса-да ундан олдинроқ, яъни 2022 йилнинг февралидан йўлга қўйилди.

Назорат-таҳлил жараёнида депутатлар томонидан умумтаълим мактабларидаги овқатлантириш босқичлари бепул овқатлантириш босқичидagi ишлар — озиқ-овқат маҳсулотлари хариди, етказилиб берилиши, сақланиши, ўқувчиларни овқатлантириш ҳолати, соғлом овқатланиш учун ошоналар ва буфетлар ташкил этилганлиги ҳамда улардан фойдаланиш ҳолати атрафлича ўрганилди.

Маълум бўлишича, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан келишган ҳолда "Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти умумтаълим мактабларидаги овқатлантириш тартиб-тартибида ўрганиш қўмитасига бағишланган тадбир ўтказилди.

Маълум бўлишича, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан келишган ҳолда "Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти умумтаълим мактабларидаги овқатлантириш тартиб-тартибида ўрганиш қўмитасига бағишланган тадбир ўтказилди.

Умумтаълим мактабларида соғлом овқатлантириш тизимини доимий назорат қилиш бўйича масъул ходимлар бириктирилган. Қорақалпоғистон Республикасидаги 716 та умумтаълим мактабининг географик жойлашувини ҳисобга олган ҳолда ҳудудлар кесимида 64 та лотга, Хоразм вилоятидаги 542 мактаб эса 34 лотга жойлаштирилиб, тендер танловлари асосида голиб топилган кейтеринг ташкилотлар томонидан мактабларга ҳар кунлик озиқ-овқат етказиб бериляпти.

Ийгилишда депутатлар томонидан соҳада амалга оширилган ишлар эътироф этилиб, бошланғич синф ўқувчиларини давлат маблағлари ҳисобидан бепул, соғлом овқатлантиришни уюштириш учун дав-

лат харидларини амалга ошириш механизми соғлом овқатлантириш, таомномани мутахассислар билан биргаликда қайта кўриб чиқиш, умумтаълим мактабларида мавжуд ошона (буфет)ларда тўлақонли фойдаланиш учун шароитлар яратиш, шариоит мавжуд бўлмаган мактабларда ошоналар қуриш ишларига эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, ўқувчиларни овқатлантириш тасдиқланган таомнома асосида ташкил қилиниши устидадан жамоатчилик назоратини қучайтириш, кейтеринг ташкилоти томонидан етказиб берилган таомлар таркиби ва сифати устидадан доимий назоратни йўлга қўйиш бўйича тақлифлар билдирилиб, ушбу йўналишдаги ишлар юзасидан парламент назоратини қучайтиришга келишиб олинди.

Тадбир якунида айтилган фикр-мулоҳазалар инобатга олинми, тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Таҳлил

Юртимизда бунёдкорлик қўлами йил сайин кенгаймоқда, худудларда урбанизация жараёни амалга ошириляпти. Қишлоқ жойларда ҳам қурилиш ишлари жадал. Булар, албатта, соҳани тақомиллаштириш, шафтофликни таъминлаш, ипотека бозорини ривожлантиришни тақозо этади.



Тошкент — минтақанинг йирик марказига айланади

Бугун Тошкент шаҳрининг бош режаси асосида шаҳарнинг бутун эски қисми янгиланган кўринишдаги аъёнанинг уй-жойлар сақлаб қолинган ҳолда реконструкция қилинмоқда.

Бу яқин келажақда пойтахтимизни бутунлай янги қиёфа ва иқтимоий мақомада қўриш имконини беради. Пойтахт нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун Марказий Осиёнинг йирик sanoat, маъмурий ва ишбилармонлик марказига айланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 18 октябрь кунини "Тошкент бошлангичлиги" давлат унитар корхонасига бориб, Тошкентнинг 2045 йилгача бўлган бош режаси лойиҳаси билан танишуви ҳам беҳис эмас. Тошкент — азиям пойтахтимиз, мамлакатимизнинг бош шаҳри. Кейинги йилларда инвестицияга, тадбиркорларга шароит яратилди, янги йўлар, замонавий иншоотлар қурилди.

Аммо энди келажақ стратегиясини белгилаб олинишни шарт. Чунки ҳудуд 43 минг гектар, аҳоли сонини 3 миллионга яқинлашган шаҳарнинг инфра-структура тармоқларига юклар ортган. Транспортлар ҳам кун сайин кўпайиб, йўл ҳаракати қийинлашиб бормоқда.

Чанг, туьун экологияга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис Президентимиз бу масалани алоҳида эътибор олиб, пойтахтнинг меъморий қиёфасини сақлаб қолиш, келгусидаги қурилишларни шаҳар ташқирисидан олиб бориш вазифасини қўйган эди. Хусусан, утган йили "Янги Ўзбекистон" боғининг очилиш маросимидда ҳамда тошкентлик сайловчилар билан учрашувда бу борада концепция тайёрланаётгани айтилди.

Пойтахтимиз келажаги билан боғлиқ бўлгани учун бу масалага жиддий ва пухта ёндашилди. "Тошкент бошлангичлиги" корхонасида чет эллик ва маҳаллий лойиҳачилар томонидан икки йил давомида аҳолининг уялиши, транспорт ва муҳандислик тармоқлари, иқлим ўзгаришлари таҳлил қилиниб, шу асосда транспорт тугуналари ва аҳоли пунктларини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқилди.

Кўзда тутилган ишлардан бири шуки, Тошкент шаҳри кадастри рақамлаштирилиб, худудларнинг тоифаси очик-соқкорга қайд этиб қўйилди. Аҳоли ўз маҳалласи ёки тадбиркорлар бизнес очмоқчи бўлган жойининг қандай ҳудудда жойлашганини интернет орқали бемалол қўриши мумкин бўлади.

Тирбандлик муаммосини ҳал этиш учун жамоат транспорти қулайлаштирилади. Бунинг учун аҳоли уйдан 15 дақиқа пайаза юрадиган масофада бекат бўлиши талаб этилади. Шунингдек, "Park and ride" тамойили асосида, шаҳар чеккаларида автотураргоҳлар ташкил этилиб, жамоат транспорти бекатлари билан боғланади.

Яна бир муҳим чора — биноларга иқтимоий талаблар белгилаш. Масалан, шаҳар ичида кўп қаватли иншоот қурилгудек бўлса, унинг турига қараб, мактаб, боғча, маиший хизмат, автотураргоҳ ўрни, кўкчамзорлаштириш майдони каби меъёрлар қўйилди. Тошкент шаҳрининг 2045 йилгача бўлган бош режаси лойиҳаси "Янги Тошкент" концепцияси билан мутаносиб тайёрланган. Бу янги шаҳар пойтахтимизнинг шарқий қисмида, Чирчиқ ва Қорасув дарёлари оралиғида барпо этилиб, 500 минг аҳолига мўлжалланган бўлади. Шундан келиб чиқиб, истиқболли ривожланиш ва қурилиш худудлари, янги шаҳар билан пойтахтни бириктирувчи асосий йўлар схемалари ишлаб чиқилган. Биринчи боқиқда 6 минг гектарда бунёдкорлик режалаштирилган.

Глобал иссиқ кузатилаётган бугунги даврда яшиллик жуда муҳим. Айни кунда Тошкент шаҳрида 7 минг гектар яшил майдонлар мавжуд. Президентимиз илгари сурган "Яшил макон" умумийлиги лойиҳасидан келиб чиқиб, бош режа лойиҳасида бунга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, қатта ҳалқа йўли атрофида "яшил камар" яратилиш, шаҳардан утган каналлар бўйида тематик боғлар ташкил этиш кўзда тутилган. Умуман, пойтахтимизда яшил худудларни 25 минг гектарга етказиш мақсад қилинган.

ШАҲАРСОЗЛИК ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Муаммолар ечимида истиқболли йўл

Тан олиш керак, қурилиш соҳасидаги янги даврнинг бошланиши — тизимдаги муаммоларни аниқлаш, тан олиш ва очиклаш, айниқса, уларни ечиш осон кенгани йўқ. Соҳада қабул қилинаётган Фармон ва қарорлар тизимида йиллар давомида сақланиб қолган муаммоларни тубдан ислоҳ қилишга қаратилган.

Соҳага доир норматив ҳужжатлар, жумладан, шаҳарсозлик қоидалари ва қурилиш меъёрларининг аксарият қисми эскирган, собиқ тузум давридан қолиб кетганлиги тўғрисида, ушбу меъёрларни замонавий талабларга мослаштириш гоят долзарб эди. Шаҳарларнинг бош режалари, қишлоқларда архитектура-режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, қурилиш ва лойиҳалаш бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини янада ошириш талаб этилган.

Йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар ва йўл қўйилган суствашликларни бартараф этиш мақсадида 2018 йил 2 апрелда қабул қилинган "Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармонида мувофиқ, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси негизида Ўзбекистон Қурилиш вазирлиги ташкил этилди.

Вазирликнинг асосий вазифалари эити — шаҳарсозлик ва қурилиш учун муҳандислик-техник инжанинлар соҳасида янги илмий-техникавий сифатини олиб бориш, республика худудлида аҳолини қўлайлаштиришнинг бош схемасини, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар худудларини режалаштириш схемаларини, аҳоли пунктлари бош режаларини ва бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни ташкил қилиш, уларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг юритиш, шаҳарсозлик соҳасида давлат сифатининг асосий йўналишлари бўйича тақлифлар тайёрлаш белгилади.

Шу билан бирга, ушбу сананинг ўзида "Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" Президент қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжат билан "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" давлат унитар корхонасига асос солиниши белгиланди. Унга қўра, шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизасини уюштириш ва ўтказишни таъминлаш, архитектура-режалаштириш ва шаҳарсозлик ечимлари даражасини ошириш, лойиҳа иши ва қурилиш ишлаб чиқаришни тақомиллаштириш, лойиҳалаш ва қурилиш соҳасида илгор тажрибани ўрганиш ва оммалаштириш каби асосий вазифалар бириктирилди. Ушбу икки меъёрий ҳужжат тизимида янги босқичга ўтишининг негизи бўлди. Натижада 2019 йилга келиб режадаги 35 та шаҳарсозлик ҳужжатидан 18 та бош режа ва 10 та қишлоқ (овулар) фуқаролар йиғинлари худудларини архитектура-режалаштириш жиҳатидан ташкил этиш лойиҳалари ишлаб чиқилди. Бунинг натижасида республикадаги 113 та шаҳар (95 фоиз) ва 142 та шаҳар-посёлка (13,1 фоиз) бош режаларга эга бўлди.

"Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларига мувофиқ, 159 та тумандаги 478 та қишлоқнинг бош режа схемалари ва батафсил режалаштириш лойиҳалари, шунингдек, 41 та шаҳарда 116 та маҳалланинг бош режа схемалари ва батафсил режалаштириш лойиҳалари ишлаб чиқилди. Қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологиялари кириб келди ва "Шафтоф қурилиш" ахборот тизими ишга тушди. Шунингдек, қурилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази ташкил этилди. Юридик ва жисмоний шахсларга кенг фойдаланиш имконини берувчи "Ўзбекистон Республикаси ҳақида давлат шаҳарсозлик кадастри" геосозлик тизими жорий қилинди.

Қурилиш-монтаж ишларида тизимли назорат ўрнатилиб, иккю ҳужжатларини юритишнинг электрон онлайн тизими яратилди. Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизасини электрон ҳужжатлар алмашинуви орқали босқичма-босқич амалга ошириш тизими жорий этилди.

Қурилиш-пудрат ташкилотларининг фаолиятини тақомиллаштириш ва қурилиш ишлари сифатини ошириш мақсадида қурилиш-пудрат ташкилотларининг фаолиятини баҳолаш реитинги йўлга қўйилди. Ташкилотларнинг иқтисоолашуви, қурилиш-монтаж ишлари турлари, доимий ишлайдиган илчи-ҳодимлар сонини, асосий ишлаб чиқариш воситалари тўғрисида маълумотларнинг янги электрон базаси жорий этилди.

Соҳа кадрлари сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, қурилиш-пудрат ташкилотлари ишчиларини қайта тайёрлаш ва касбга ўқитиш бўйича қисқа муддатли ўқув курслари, касб-ҳунарга эга



Бўлганлиги тўғрисида сертификатлар бериш кўзда тутилган.

Талаб ва тақлифлар мос вазибалар

Шиддат билан давом этаётган бунёдкорлик ишлари, ўз навбатида, сифатли қурилиш маҳсулотларига бўлган талабини кўнайтирмоқда. Шу боис ушбу йўналишдаги ишларни тўғри йўлга қўйиш, янги турдаги энергетикакор қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, соҳага инвесторларни кенг жалб қилиш орқали йирик лойиҳаларни амалга ошириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга катта аҳамият берилляпти.

Ўз навбатида, "Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексини тасдиқлаш ҳақида"ги Қонуни янги тахрирда қабул қилинди. Кодексга "ноёб ва алоҳида муҳим объектлар", "реклама ва ахборот объектлари", "тураржой объектлари", "урбанизация" ва бошқа бир қатор асосий тушуналар киритилиб, шаҳарсозлик фаолиятининг асосий принциплари белгилаб берилди. Шунингдек, шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назорати ва унинг шакллари, субъектлари ҳақидаги нормалар мустаҳкамланди. Мазкур соҳадаги қарорлар муҳимасида жамоатчилик назоратининг иштирокчи таъминлини ҳам белгилаб қўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 20 февралдаги "Қурилиш материаллари санатини тубдан тақомиллаштириш ва соловек ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарориди 2019 — 2021 йилларда умумий қиймати 1,3 миллиард, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига 692 миллион АҚШ доллари миқдориди амалдаги корхоналарни техник ва технология соҳасида янги йўналишлар ривожлантирилиб, бунга хорижий инвесторлар кенг жалб қилинди. Етакчи хорижий давлатлар қурилиш соҳасининг тараққиёт тенденциясидан келиб чиқиб, янги маҳсулотларни ўзлаштириш ва инновацияни юлтириш режалаштирилган.

Кейинги йилларда соҳани ислоҳ қилиш, корхоналар самардорлигини ва салоҳиятини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Тармоқдаги ҳар бир корхона фаолияти танқидий таҳлил этилиб, маҳсулотлар сифатини яхшилаш, энергиятежамкор, инновацион қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳисобига таннархни пасайтириш чоралари қўрилди. Корхоналарда рақамли технологияларни қўллаш, инсон ҳаёти учун хавфли жараёнларда автоматизация даражаси оширилди. Қурилиш материаллари соҳасида янги йўналишлар ривожлантирилиб, бунга хорижий инвесторлар кенг жалб қилинди. Етакчи хорижий давлатлар қурилиш соҳасининг тараққиёт тенденциясидан келиб чиқиб, янги маҳсулотларни ўзлаштириш ва инновацияни юлтириш режалаштирилган.

Яна бир нарсаи алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда шу кунгача йўлга қўйилмаган газобетон блоклари, гўлгожа, керамогранит, қўйма пол, юқори 600 маркали цемент, геосетка, пеноблок, шиша кристаллит, композит ва ДСП ишлаб чиқариши ўзлаштирилди. Қурилиш материаллари санатининг

"Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришининг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Президент Фармони қурилиш соҳасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этиди. Мазкур стратегияда 2025 йилга бориб Ўзбекистондаги шаҳарларнинг барчасини ва шаҳар-посёлкаларнинг 25 фоизини бош режалар билан қамраб олиш белгиланди. Бош режаларни тасдиқлаш жамоатчилик фикри инобатга олинмаган бўлди. 2022 йилнинг 1 июлигача шаҳар муҳити элементларининг мақсади, аъёнанинг архитектура ва маданияти, шунингдек, жойининг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда худудий "дизайн-код" ишлаб чиқилиб, жорий этилиши белгиланди. Стратегиянинг 2025 йилгача бўлган мақсади қўрсаткичларига мувофиқ, Ўзбекистоннинг геологик, табиий-иқлим, сейсмологик ва бошқа хусусиятларини инобатга олган ҳолда, 2025 йилга бориб, миллий шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини камиди 50 фоиз даражасида халқаро норматив ва стандартлар билан ўйналштиришга эришиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишнинг "ҳажми" ослубини жорий этиш улушини республикадаги қурилиш объектлари умумий сонининг 50 фоизгача етказиш кўзда тутилган.

"Шафтоф қурилиш" миллий ахборот тизими доирасида қўшимча 4 та электрон платформа яратилишини, уларнинг идораларга ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграция қилинишини таъминлаш, "Бизнес юртилиш" халқаро индексида (Doing Business Index) "қурилишга русатномалар олиш" (Dealing with Construction Permits) йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикасининг позициясини жорий 61,7 баллдан 78,2 баллгача яхшилаш, архитектура ва қурилиш соҳасидаги олий таълим муассасаларидан бирининг халқаро тан олинган ташкилотлар рейтингларидаги Осиё мамлакатларининг энг яхши ОТМ рўйхатида киришига эришиш белгиланди.

Ўзбекистонда бугунги кунда қурилиш тармоғида олиб борилаётган ишлар, хизматлар нафақат иқтисодиётнинг асосий фондларини яратувчи қисми сифатида, балки мамлакат иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар ҳамда турли иқтимоий соҳадаги долзарб вазибаларни баришида муҳим ўрин тутиб келмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётида тугган ўрни катта. Шу боис мазкур тармоқни изчил тараққий эттира бориш бугунги кун ва яқин келажақдаги вазибалардан бири ҳисобланади.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва унга мувофиқ қабул қилинган давлат дастурида мамлакат иқтисодиётини янада жадал ривожлантиришда иқтисодиётнинг локомотиви сифатида ушбу соҳага, хусусан, янги бино ва иншоотлар, ишлаб чиқариш объектлари ҳамда хусусий тадбиркорлик, темир ва автомобиль йўллари, тураржой бинолари қурилишига алоҳида урғу берилган.

Мазкур стратегияга мувофиқ келгусида ҳам тармоқни янада тақомиллаштириш бўйича изчил ислохотлар давом эттирилади.

Янгиланиш жараёнлари

Таъкидлаш ўринли, бугунги кунда аҳоли пунктларининг бош режаларига оммавий ҳужжат макомини беришда "Шафтоф қурилиш" миллий ахборот портали тизими доирасида "Геопортал" ахборот тизими яратилди. Геопорталга мамлакатдаги 213 та шаҳар ва шаҳарчадаги бош режалари, 595 та худудни архитектуравий режалаштиришни ташкиллаштириш ҳамда 16 та худудни баътафсил режалаштириш лойиҳаси, жами 824 та шаҳарсозлик ҳужжати жойлаштирилган.

Фуқароларга бунёд этилаётган объектлар тўғрисида мустакил равишда ахборот олиш, ноконун қурилишларни аниқлаш, объектлардаги қондбузарликларни қайд этиш ва уларни соҳадаги назорат бўйича ваколатли органларга юбориш имконини берувчи "Огоҳ фуқаро" тизими тест режимида ишга туширилди. Шунингдек, 2021 йилнинг 1 мартидан бошлаб, икки қаватдан юқори, баландлиги ер ўзасидан 12 метр ва урмий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган бино ва иншоотлар, жумладан, якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш объектининг лойиҳа ҳужжатлари махбур экспертизадан ўтказилган ҳамда объектнинг Қурилиш вазирлиги қўшидаги Қурилиш соҳасида худудий назорат инспекциялари томонидан давлат қурилиш назорати ўрнатилган ҳолда амалга ошириш тартиби жорий қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг "Қурилиш соҳасида электрон давлат хараидларини ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талаблари асосида илк марта тендерларни онлайн электрон тизим орқали ўтказиш йўлга қўйилди.

Эътибор этиш жоизки, шаҳарсозлик фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив ҳужжатлар, жумладан, хорижий норматив ҳужжатлар илмий-техник қўлбўнаҳаси ташкил қилинди. Унда соҳага доир 2046 та адабиёт хатловдан ўтказилди ва уларнинг электрон рўйхати шакллантирилди. Илмий-техник қўлбўнаҳа негизида "Қурилиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар" маълумотлар базаси яратилиб, 54 та норматив ҳужжатнинг электрон шакли www.shk.uz расмий веб-саҳифасига очик фойдаланиш учун жойлаштирилди.

"Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришининг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Президент Фармони қурилиш соҳасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этиди. Мазкур стратегияда 2025 йилга бориб Ўзбекистондаги шаҳарларнинг барчасини ва шаҳар-посёлкаларнинг 25 фоизини бош режалар билан қамраб олиш белгиланди. Бош режаларни тасдиқлаш жамоатчилик фикри инобатга олинмаган бўлди. 2022 йилнинг 1 июлигача шаҳар муҳити элементларининг мақсади, аъёнанинг архитектура ва маданияти, шунингдек, жойининг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда худудий "дизайн-код" ишлаб чиқилиб, жорий этилиши белгиланди. Стратегиянинг 2025 йилгача бўлган мақсади қўрсаткичларига мувофиқ, Ўзбекистоннинг геологик, табиий-иқлим, сейсмологик ва бошқа хусусиятларини инобатга олган ҳолда, 2025 йилга бориб, миллий шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини камиди 50 фоиз даражасида халқаро норматив ва стандартлар билан ўйналштиришга эришиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишнинг "ҳажми" ослубини жорий этиш улушини республикадаги қурилиш объектлари умумий сонининг 50 фоизгача етказиш кўзда тутилган.

"Шафтоф қурилиш" миллий ахборот тизими доирасида қўшимча 4 та электрон платформа яратилишини, уларнинг идораларга ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграция қилинишини таъминлаш, "Бизнес юртилиш" халқаро индексида (Doing Business Index) "қурилишга русатномалар олиш" (Dealing with Construction Permits) йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикасининг позициясини жорий 61,7 баллдан 78,2 баллгача яхшилаш, архитектура ва қурилиш соҳасидаги олий таълим муассасаларидан бирининг халқаро тан олинган ташкилотлар рейтингларидаги Осиё мамлакатларининг энг яхши ОТМ рўйхатида киришига эришиш белгиланди.

Ўзбекистонда бугунги кунда қурилиш тармоғида олиб борилаётган ишлар, хизматлар нафақат иқтисодиётнинг асосий фондларини яратувчи қисми сифатида, балки мамлакат иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар ҳамда турли иқтимоий соҳадаги долзарб вазибаларни баришида муҳим ўрин тутиб келмоқда.

Азизбек БАҲОДИРОВ, «Ўзсанотқурилишматериаллари» уюшмаси бошқаруви раисининг илм-фан ва инновациялар бўйича биринчи ўринбосари, техника фанлари доктори, профессор.



ПОЙТАХТ ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИНАДИ

Шу йилнинг 13 декабрь кунини давлатимиз раҳбари "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ фаолияти билан танишиб, пойтахт шаҳар ҳаётининг муҳим жиҳатларидан бири бўлган жамоат транспорти ҳозирги ўзгаришлардан орқада қолаётганини кескин танқид қилганди.

Қулайлик

Айни пайтда пойтахтимизда кунига 148 та йўналишда 1 миллион 300 минг йўловчи жамоат транспортдан фойдаланади. Аммо тизимда автобуслар етишмайди, борларнинг ҳам кўпи эскирган, бунинг оқибатида йўловчилар автобусларни 25 — 30 дақиқача чақушади.

Шу боис соҳа мутасаддилари билан юзма-юз суҳбатда, айниқса, совуқ кунларда бунга йўл қўйиб бўлмагани таъкидланди, қўнайтирилган таъкидлаб ишлаш, энг оғир йўналишларда қўшимча автобуслар қўйиш бўйича топшириқлар берилди.

Бу соҳа фаолиятини модернизация қилиш режаси ишлаб чиқилиб, Ички ишлар, Фуқаролар вазирлиги вазирилари, Миллий гвардия хизмати билан ҳамкорликда кенг қўламли сай-ҳаракатларни амалга оширишга киришилди, — дейди "Тошшаҳартрансхизмат" акциядорлик жамияти раҳбари Анавар Жўраев. — Айни жараёнда йўловчилар оқимининг қўйиши инобатга олинди, 167 та янги йўналишдан ташкил толган тармоқ шакллантирилди. Бунинг учун кунига 1 955 та автобус харақат қилиши зарурлиги ҳисоб-китоб қилинди. Шу мақсадда мингта янги автобус зарурлиги аниқланди, утган қисқа фурсатда 300 та замонавий автобус ва электробус хараид қилинди ҳамда энг оғир йўналишларда қўшимча қатновлар йўлга қўйилди. Бунинг натижасида харақатлар оралиғи 10 — 15 дақиқача қисқаришига эришилди.

Таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ тасарруфига 8 та автобус саройи фаолият кўрсатади. Марказий диспетчерлик хизмати, йўловчилар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имконини берувчи қисқа рақамли "Ишонч телефони" орқали назорат жорий этилган. Ҳозирча йўлқури 60 фоиз электрон тўлов тизимига ўтказилган бўлиб, 2023 йилнинг февраль ойидан ушбу қўрсаткични юз фоизга етказиш мақсад қилинган.

Айни чоғда фойдаланишдаги автобусларнинг 30 фоизини йўл ва ундан қўй хизмат қилган. Жаҳон тажрибасида авриш, яна қўшимча автобуслар олиш чоралари қўйилляпти. Харақат хавфсизлигини таъминлаш, қатнов оралиғини мақбуллаштириш мақсадида Алишер Навоий, Абу Райҳон Беруний, Амир Темури, Фарғона йўли қўчаларида автобуслар харақати учун алоҳида йўлакларни ажратиш ишлари олиб борилмақда. Янги истикболда пойтахтнинг барча қўчаларида жамоат транспорти учун жаҳон тажрибаси асосида шу сингари махсус йўлакларни барпо этиш режалаштирилган.

Қувонарлики, эндиликда шаҳар қўчаларида замонавий, хавфсиз, экологик жиҳатдан тоза 18 метрли автобуслар (ҳозиргилари 12 метр) қатнай бошлади. Бу шаҳар қўчаларида жамоат транспорти устуворлиги йўлга қўйилишига қаратилган илчи сай-ҳаракатларнинг яна бир амалий самарасидир.

— Уртача ойлик 3-3,5 миллион сўм бўлгани учун кадрлар қўнимсизлиги жуда кўчи эди, — дея суҳбатни давом

этиради А. Жўраев. — Давлатимиз раҳбари фаолиятимиз билан танишиб, асосида хайдовчилар ойлук машоаларини ошириш бўйича ҳам қўрсатма берди. Уртача ойлик 5 миллион сўмга оширилиб, қисқа даврда 400 нафар мақалаки хайдовчи ишга олинди. Ҳозирда яна 300 нафар хайдовчи эҳтиёжми бор.

Хайдовчи ва чиптачининг муомала маданияти, йўл харақати қоидаларига қатъий риоя этмаслик, нақд пул тушумини яшириш каби ҳолатлар тизимда энг ортиқ муаммолар сирасига кириди. Шу сабабли таъкидлаб ишлаш, энг оғир йўналишларда қўшимча автобуслар қўйиш бўйича топшириқлар берилди.

Бугунги кунда "4-автобус саройи" филиали томонидан 4 та туманга 13 та йўналишда 160 дан ортиқ автобуслар хизмат кўрсатади. Тажриба тариқасида корхонада йўл варақалари билан электрон шақлга ўтказилляпти. Хайдовчи ва йўловчилар фаолияти хавфсизлиги, нақд пул ва онлайн тўловлар тушумини назорат қилиш мақсадида 38-йўналишда катновчи автобусларга видеокузатув назорати ўрнатилди.

Корхона раҳбари ўринбосари Бобур Султонбековнинг қўлига таъинланди. Ҳозирча 50 та йўналишда 15 дақиқача келинган. Янги автобуслар замонавий ёнғин ўчириш қўрилмалари билан таъминланди, ногиронлиги бор йўловчилар учун пандуслар ўрнатилган. Шунингдек, автобус саройида таъмирлаш-қурилиш ишлари олиб борилмақда.

Пойтахтнинг 4 та туманига хизмат кўрсатувчи "5-автобус саройи" филиали томонидан 18 та йўналишда ҳар кунини 160 дан ортиқ автобуслар хизмат кўрсатади. Бу соҳага қаратилган эътибор ва рағбат тўғрисида хайдовчилар ва йўловчилар ўртасида суҳровица ўтказилиб, автобуслар эскирганлиги, харақат оралиғини узоклиғи каби муаммолар аниқланди. Натижада 20 та янги автобус хараид қилинди. Шу тариха илгари ҳар кунини 100 та автобус йўналишга чиққан бўлса, эндиликда кунига 115 та автобус йўловчиларга хизмат кўрсатмоқда. Муҳими, харақат оралиғи